

Ислом санъати бўйича халқаро конференция бўлиб ўтади



10:58 / 27.12.2021 1838

Ислом санъати бўйича халқаро конференция Эрон маданият маркази ҳамкорлигида Покистоннинг Панжоб университетиде ўтказилиши режалаштирилган. Панжоб университети санъат ва дизайн коллежи раҳбари, профессор Сумера Жавад ва покистонлик таниқли хаттот Эрфан Қурейши Лаҳорда Эроннинг маданият бўйича элчиси Жафар Ронас билан учрашиб, музокаралар ўтказди. Томонлар 22-26 февраль кунлари бўлиб ўтадиган Ислом санъати халқаро конференцияси ва кўргазмасини ўтказиш бўйича ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилдилар.

Эронлик ижодкорларнинг турли соҳаларда сезиларли ютуқларга эришганини қайд этган Жавад ҳамкорликда анжуманлар, семинарлар ва кўргазмалар ўтказишга тайёрлигини билдирди. Эрон элчиси, ўз навбатида,

маданият маркази семинарлар ўтказишга ва халқаро тадбирни янада самарали ташкил этиш бўйича саъй-ҳаракатларни кучайтиришга тайёрлигини маълум қилди.

Хуршид Маъруф тайёрлади